



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 214 (13.811)

Баҳоси эркин нарҳда



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

13 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Суҳбатда давлат раҳбарлари кенг кўламли икки томонлама ҳамкорликнинг ҳолати ва уни олий даражада эришилган келишувлар доирасида ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг мунтазам учрашув ва мулоқотлари икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, иқтисодийнинг турли тармоқларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Президентлар ўзаро товар айирбошлашни кўпайтириш, санат, энергетика ва қишлоқ хўжалигида кооперацияни кучайтириш, самарали транспорт йўлакларини шакллантириш, ҳудудларо ва гуманитар алмасувни фаоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Томонлар ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишлари, жумладан, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергетик салоҳиятни самарали ривожлантириш борасидаги ёндашув ва позициялари муштарак эканини қайд этдилар.

Икки ва кўп томонлама кенг кўламли ҳамкорликни давом эттириш, шунингдек, халқаро майдонда ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлаш ва минтақада йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари қардош Ўзбекистон ва Туркменистон халқларининг фаровонлиги йўлида кўп асрлик дўстлик, яхши қўшнилик ва стратегик шериклик таъминлашга асосланган кўп қиррали муносабатларини изчил кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида иштироки қатъий эканини яна бир бор тасдиқладилар.

ЎЗА

ХАЛҚИМИЗ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИ БЎЛМАС ЭКАН, ТИНИМ БИЛМАЙМИЗ

2018 йил 13 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган масалани кўриб чиқдилар.

Маълумки, шу йил 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида танқидий-таҳлилий руҳда ўтган соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, ҳудудлар аҳолисини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги ислохотлар натижаларини таҳлил қилиш ва истиқболдаги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди.

Дарҳақиқат, келтириб ўтилганидек, кейинги икки йилда Президентнинг соҳага оид 50 та фармон, қарор ва фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. 6 та янги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилиб, улар сони 16 тага етди. Аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида ҳудудларда уларнинг 10 та филиали иш бошлади. Туман ва шаҳар шифохоналарида 300 дан зиёд янги ихтисослашган бўлим, 1 миң 200 та тез тиббий ёрдам шохобчаси очилди.

Умуман олганда, жорий йилда тиббиёт соҳасига давлат бюджетидан 2017 йилга нисбатан 40 фоиз кўп маблағ ажратилди. Йиғилишда келаси йил соҳага қарийб 30 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 29 июнь куни пойтахтимиздаги 32 мингдан зиёд ёшлар таҳсил олаётган "Ёшлик" талабалар шаҳарчасига ташрифи чоғида берган топшириқлари ва белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида "Students day!" ёшлар ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.



ТОШКЕНТДА ЁШЛАР ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Ҳафталик тадбирини "Талаба-ёшларнинг илмий ишланмалари ва инновацион ғояларини қўллаб-қувватлашда ижтимоий ҳамкорлик масалалари" мавзусидаги илмий-амалий конференция ва ёшларнинг стартап лойиҳалари тақдироти бошлаб берди.

Конференцияда мутахассислар, устоз педагоглардан ташқари фаол, изланувчан талабалар ҳам ўз маърузаси билан иштирок этди. Иш-

тирокчилар ихтирочи, креатив лойиҳа муаллифларининг ишлари билан танишди.

Ҳафталик тадбирлари доирасида ўқиш ва изланишда, ҳаётнинг турли жабҳаларида фаол ёшларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биносига ташрифи режалаштирилган. Бу ерда "Талаба-ёшларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати

ўтказилади. Шунингдек, "Ёшлик" шаҳарчасида истиқомат қилувчи талабалари ўртасида футбол бўйича "Ёшлик кубоги" спорт мусобақаси, "Талабалар юридик клиникаси" ва "Талабалар психологик маркази" тақдирот маросими, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун "Work out to work" маҳорат дарслари ҳам ташкил этилади.

Инобат АҲАТОВА

СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ БЎЙИЧА БУЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан "Парламент ва унинг тадқиқот хизмати фаолиятида стратегик режалаштириш: Ўзбекистон ва Буюк Британия тажрибаси" мавзусида халқаро илмий-амалий семинар ўтказилди.

Президентимизнинг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Вестминстер демократия фонди вакиллари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда ҳар бир давлат идораси ўз олдида юқори мақсадларни қўяр экан, бунда стратегик режалаштиришга катта эътибор қаратади. Чунки, ислохотларни ўз вақтида амалга ошириш, фақат бугунги эмас, балки келгусида ҳам содир бўладиган воқеликни назардан қочирмаслиги лозим. Бу эса бўладиган жараёнларга олдиндан тайёргарлик кўриш, юзага келувчи муаммоларни бартараф этишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

— Стратегик режадан қўзланган мақсад ташкилотнинг узоқ давр мобайнида ўз олдида қўйган мақсадларни самарали тарзда амалга оширишга ёрдам беради, — дейди Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти илмий ходими Акбаршоҳ Те-

шабоев. — Кўп йиллик тарихга эга инглиз парламенти бу борада катта тажриба тўплаган. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари ушбу амалиётни чуқур ўрганиб, фойдали жиҳатларини жорий этмоқда. Биз ҳам бу каби ислохотларни юксак баҳолаган ҳолда мамлакатларимиз парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини ўрганиш, янада ривожлантиришга ҳаракат қиламиз.

Семинарда жорий йилнинг август ойда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Вестминстер демократия фонди ўртасида имзоланган ўзаро меморандумга кўра келгусида соҳага оид вазифалар белгилаб олинди.

Буюк Британиялик экспертлар иштирокида стратегик режалаштиришнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, қўллаш амалиёти ва бошқа қўллаб масалалар бўйича ўзаро фикр алмашилди. Соҳа мутахассисларининг замонавий давлат бошқаруви ва парламент фаолиятини, тадқиқот институтларининг стратегик ва бизнес режаларини тузиш каби мавзуларда маърузалари тингланди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА муҳбири

XXI аср саҳоси
Барча маъбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиалининг янги патоморфология ва цитобиокимё бўлими фойдаланишга топширилди. Қисқа фурсат ичида бу ерда 1 қаватли эски бино ўрнида 2 қаватли замонавий бино қад ростлади. Бинонинг биринчи қаватида патоморфология бўлими, иккинчи қаватида клиник цитобиокимё лабораторияси жойлашган. Барча зарур шароитларни ўзида мужассам этган мажмуанинг қурилишига давлатимиз томонидан 1 миллиард 322 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

• Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастуруни

амалга ошириш бўйича тузилган ишчи гуруҳ кўмагида Тошкент вилоятининг Куйи Чирчик туманида аҳолининг 3 миңдан зиёд муаммоси ҳал қилинди, 275 тадбиркорга 43 миллиард сўм кредит ажратилди. Шунингдек, ишчи гуруҳ 22 миңдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган "Маданият", "Қушек", "Жумагул", "Тинчлик", "Пахтазор", "Дўстлик", "Беруний" маҳаллаларида ичимлик суви таъминоти қайта тикланишини, 78,5 километр автомобиль йўллари ва 36 жамоат транспорти бекети жорий ва капитал таъмирланишини таъминлади.

• Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Золин туманида сайёр қабул ўтказилди. Тадбирда 25 нафар фуқарога ўзбошимчалик билан қурилган ўз уй-жойига мулк эгалигини тасдиқловчи кадастр ҳужжатлари, турли сабаблар билан тузилганлик тўғрисида гувоҳнома ололмаган 20 нафар болага гувоҳномалар топширилди.

• Нукус шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Марказ биноси қурилишига 3,5 миллиард сўм маблағ сарфланган бўлиб, хорижий мамлакатлардан олиб келинган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган ушбу муассасада юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаш, санитария-эпи-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАРРАНДАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, соҳани янада жадал ривожлантиришга, жумладан, замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва тайёр паррандачилик маҳсулотлари экспортини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан:

Биринчидан, паррандачилик маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси паст, тармоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда ярим тайёр маҳсулотлар улуши юқорилигича қолмоқда, шунингдек, парранда чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш тизими йўлга қўйилмапти;

Иккинчидан, паррандачилик соҳасида асосан товуқ етиштириш билан чеклиб қолинмоқда, бошқа парранда турлари (курка, бедана, гоз, ўрдак, тукуш, қаклик ва бошқалар) етиштиришни оммалаштириш чоралари кўрилмапти;

Учинчидан, парранда касалликларини ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий биологикалар ташкил этилмаганлиги оқибатида паррандалар орасида юқумли касалликлар тарқалиб бормоқда;

Тўртинчидан, соҳада малакали кадрлар тайёрлаш, уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий услубларига ўқитиш, соҳа мутахассисларида инновацион ёндашулар ҳамда кўникмаларни шакллантириш, ишлаб чиқаришда юқори сифатга эришиш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш ишларига етарлича эътибор қаратилмапти;

Бешинчидан, парранда озуқа базасини яратиш, импорт ўрнини босувчи озуқа маҳсулотларини ишлаб чиқариш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган;

Олтинчидан, парранда маҳсулотлари экспорт қилинаётган давлатлар географиясини кенгайтириш, шу орқали экспорт ҳажминини кескин ошириш чоралари кўрилмаган;

Еттинчидан, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш бўйича тажриба етарли эмас, бу борада етакчи хорижий ҳамкорлар билан яқин алоқалар йўлга қўйилмапти.

Республикада паррандачиликни янада ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага илгор технологиялар ва инновацион ишланмаларни жорий этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, уларнинг турлари ва экспорт кўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Куйдирилган паррандачилик соҳасини ривожлантириш бўйича устувор вазифалар этиб белгиланган: рақобатбардош парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш орқали аҳолини етарли миқдорда парранда маҳсулотлари билан барқарор ва мақбул нарҳларда таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш; илгор хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда паррандачилик кластерларини ташкил қилиш, бунда инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш; соҳага фаол инвестиция жалб этиш орқали парранда маҳсулотларини, шу жумладан, парранда чиқиндиларини чуқур қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли парранда маҳсулотларини ишлаб чиқариш; илмий-диагностика лабораториялар ташкил қилиш орқали паррандалар орасида касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш; озуқа базасини кенгайтириш, импорт ўрнини босувчи озуқа ва витаминларни ишлаб чиқариш; паррандачилик соҳасида юқори малакали мутахассисларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

(Давоми 2-бетда)

ЖАҲОНДА

• Аргентинаниннг махсус хизмат ходимлари томонидан кичик бир армиясини қуроллантиришга етарли бўлган автоматлар, миллиқлар, тўпончалар ва ўқ-дорилардан иборат қурол-яроғлар катта туркумининг контрабандаси мусодара этилди. Ҳозирда мамлакат ҳарбийлари томонидан жорий йилнинг 30 ноябрида Буэнос-Айресда бўлиб ўтадиган катта йиғирмалик саммити олдида сувда, ҳавода ва қуруқликда хавфсизлик чоралари кучайтирилди.

• Сурия пойтахти Дамашқ шаҳридаги 2012 йилда ҳарбий моҳирлар туфайли ёпилган миллий музей ўз эшикларини яна очди. Унда бир ярим миңдан ортиқ ноёб экспонатлар намойиш этилмоқда.

• Австралиянинг шимолий-шарқий қирғоғида яхтани бошқариб бораётган 36 ёшли киши ақуланнинг ҳужумига дуч келди. Ундан етган кучли жароҳатлар оқибатида мазкур спортчи ҳаётдан кўз юмди. Бу Австралия қирғоқларида кейинги бир ойда ақуларнинг одамларга қилган учинчи ҳужумидир. Маълумотларга қараганда Австралия жаҳонда ақуларнинг инсонларга ҳужуми бўйича АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ПАРРАНДАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Иқтисодий вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, "Паррандасаноат" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2019 йилда республикада:

- паррандалар сони ва етиштириладиган маҳсулотларнинг прогноз параметрлари 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;
паррандачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш чораларини таъминлаш бўйича эътиборнинг прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ;
паррандачилик маҳсулотларини экспорт қилишнинг прогноз параметрлари 3-иловага мувофиқ;
саноат усулида боқилаётган паррандаларнинг озукка бўлган талаби параметрлари 4-иловага мувофиқ;
парранда озукасини етиштириш учун тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган ер майдонлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, "Паррандасаноат" уюшмаси ва "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ билан биргаликда ушбу қарорга асосан ўрнатилган прогноз параметрлари ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва паррандачилик ҳўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш тасдиқласин, уларнинг самарали ва тўлиқ ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилди) маблағлари ҳисобидан эквиваленти 50 миллион АҚШ доллари миқдорига "Ўзсанотқурилишбанк" АТБнинг устав капиталдаги давлат улуши оширилсин.

Белгилансинки:
"Ўзсанотқурилишбанк" АТБ устав капиталига йўналтириладиган Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2718-сонли "Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика соҳасида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ томонидан очилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан ажратилди;
Жамғарма уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган маблағларни "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ устав капиталига ўтказиб берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўрнатилган тартибда "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ томонидан чиқариладиган акцияларни рўйхатдан ўтказишини таъминласин.

4. Белгилансинки:
"Ўзсанотқурилишбанк" АТБ устав капиталига киритилган 50 миллион АҚШ доллари эквивалентдаги мақсадли маблағлар паррандачиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида бошқа тижорат банкларига ҳам кредитлар ажратиш учун йўналтирилади;

тадбиркорлик субъектларига ушбу бандда назарда тутилган кредитлар бўйича имтиёзлар фойз ставкаси бўйича тўловларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилиш шаклида берилади;

"Ўзсанотқурилишбанк" АТБ Жамғарма томонидан ушбу бандда назарда тутилган маблағларни банкнинг устав капиталига ўтказилган кундан бошлаб бошқа тижорат банклари томонидан тақдим этилган паррандачиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида уларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларининг ўтказишини таъминлайди;

"Ўзсанотқурилишбанк" АТБ ва бошқа тижорат банклари паррандачиликни ривожлантириш борасидаги лойиҳаларни чуқур таҳлиллар асосида рентабеллик, самардорлик ва пул оқимларининг кредит ҳамда улар бўйича фойзаларни ўз вақтида қайтаришни таъминлаш салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда молиялаштирадид.

5. Паррандачилик лойиҳалари ҳамда ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан 2019-2020 йилларда ажратилаётган кредитлар фойзи учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация беришнинг куйидаги тартиби ўрнатилсин:

айланма маблағларни тўлдирива (инкубацион туҳумлар, 1 кунлик жўжа, озукка маҳсулотлари, дори-дармон ҳамда қўшимча компонентлар ва бошқалар) тижорат банки томонидан ўрнатилган кредит ставкасининг 25 фоизи миқдорига, аммо кредит ставкасининг 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда;

насли она товуқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, паррандачилик кластерларини ва инкубацион цехларини ташкил қилиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника ва бошқа асосий воситаларни харид қилиш ҳамда барло этиш учун тижорат банки томонидан ўрнатилган кредит ставкасининг 50 фоизи миқдорига, аммо кредит ставкасининг 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Тижорат банклари паррандачилик лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий банклар маблағларини жалб этиш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу имтиёзлар учун зарур бўлган маблағларни 2019-2020 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига белгиланган тартибда ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва "Паррандасаноат" уюшмасининг Уюшма ҳузурда барча парранда ҳўжаликларига хизмат кўрсатувчи замонавий илмий-диagnostika лаборатория марказини (кейинги ўринларда - Марказ) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Куйидагилар Марказнинг асосий вазибалари этиб белгилансин:
парранда касалликларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга қарши курашишни самарали механизмини ишлаб чиқиш;
паррандаларни озиклантириш учун илмий асосланган меъёрларни ишлаб чиқиш;
барча турдаги парранда гўшти ва туҳум маҳсулотларини қайта ишлашчи технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;
паррандачилик маҳсулотларининг биологик ва экологик

хавфсизлигини таъминлаш, паррандаларни боқиш ва уларга берилаётган озукка базасининг таркиби ва сифатини мониторинг қилиш;

барча турдаги парранда гўшти ва туҳумларидан фойдаланган ҳолда умумий, болалар, парҳез ва махсус овқатланганининг янги турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик жараёнларни ишлаб чиқиш;
паррандачилик ҳўжаликлари технологик лойиҳалари меъёрларини ишлаб чиқиш ва илмий асослаш.

Тошкент вилояти ҳўкимлиги илмий-диagnostika биологик лаборатория марказини жойлаштириш учун Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Тинчлик массивидан умумий майдони 1 гектар бўлган ер участкасини ажратсин.

"Паррандасаноат" уюшмаси илмий-диagnostika биологик лаборатория марказини зарур бўлган замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва "Паррандасаноат" уюшмаси билан биргаликда паррандачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида илмий-амалий марказни ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Паррандасаноат" уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда паррандачилик соҳасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интeгpациясини янада кўчайтириш мақсадида узвий ҳамкорликни йўлга қўйсин, паррандачилик соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, "Паррандасаноат" уюшмаси, "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликларининг босқичма-босқич барча ҳудудда парранда етиштириш, уни қайта ишлаш ва ақуний тайёр маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчига етказиш жараёнини тизимли равишда олган паррандачилик кластерларини ташкил этиш (шу жумладан, 2019 йилда 13 та) тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Паррандасаноат" уюшмаси, "Ўзсанотқурилишбанк" АТБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини, молиялаштириш манбалари ва ер майдонларини аниқлаб, 2019-2021 йилларда паррандачилик кластерларини ташкил этишнинг манзилли дастури лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, "Паррандасаноат" уюшмаси, "Ўзбекосизқовқатхолдин" ХК ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар илгор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатувчи хавф ва муҳим назорат нуқталарини таҳлил қилиш ("HACCP"), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ("ISO") ва "Halal" стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда, паррандачилик корхонасини технологик лойиҳалаштириш меъёрларини ишлаб чиқсин ва парранда маҳсулотларини халқаро тан олинган сертифицилаштириш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, парранда касалликларига эмлаш учун ишлаб чиқаришнинг муносиб амалиёти (GMP - Good Manufacturing Practice) сертификатларига эга бўлган хорижий ишлаб чиқарувчи компанияларнинг вакцина ва биопрепаратлари Ўзбекистон Республикасида тан олинмади ва қўшимча мувофиқлик сертификатлари талаб қилинмади.

12. "Ўзэлтeхcаноат" АҚ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда парранда маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмлар ишлаб чиқаришни 2022 йил якунига қадар маҳаллийлаштириш чораларини кўрсин.

"Паррандасаноат" уюшмаси парранда маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларни маҳаллийлаштириш мақсадида уларнинг рўйхатини зарур эҳтиёж билан шакллантириш ҳамда "Ўзэлтeхcаноат" АҚга тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси республикада парранда маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш босқичлари учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларни ишлаб чиқиш мақсадида "Ўзэлтeхcаноат" АҚ томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларига асосан хорижий инвесторларни жалб этсин.

13. "Паррандасаноат" уюшмаси ва "Ўзбекистон темир йўллари" АЖнинг паррандачилик ҳўжаликлари томонидан импорт қилинаётган ем бўладиган донни темир йўл орқали ташвишда, истисно тарихида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги темир йўллари тариф сийсатининг 35 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда чегирма бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва "Ўздонмаҳсулот" АҚ паррандачилик ҳўжаликларига талаб қилинадиган дон маҳсулотларининг ҳар ойда биржа савдоларига қўйиб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон республика товар-ҳомаси биржасидаги савдолар паррандачилик ҳўжаликларига дон маҳсулотлари савдосида қатнашиш "Паррандасаноат" уюшмаси томонидан солиқ ҳамда ветеринария ҳисоботларида акс этган парранда бош сонидан келиб чиқиб ва белгиланган тартибда дон маҳсулотлари бўйича тасдиқланган меъёрларга мувофиқ тузиладиган рўйхат асосида паррандачилик ҳўжаликлари иштирок этиши ҳамда ушбу рўйхат доимий равишда "Паррандасаноат" уюшмасининг веб-сайтида жойлаштириб борилиши белгилансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ушбу банднинг иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган рўйхатдаги парранда бош сонини, дон маҳсулотлари бўйича тасдиқланган меъёрларга риоя этилганлигини тизимли мониторинг қилади, шунингдек, дон маҳсулотлари савдосида паррандачилик ҳўжаликларининг қатнашиши ёки қатнашмаслиги юзасидан "Паррандасаноат" уюшмасига ҳар ойда маълумот тақдим этади.

15. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ ва "Ўзбекистон хаво йўллари" МАК республикага хориждан олиб кириладиган барча турдаги насли паррандаларнинг 1 кунлик ҳўжаларини, парранда озукка ва озукка қўшимчаларини узуксиз ташвиш мақсадида "Паррандасаноат" уюшмаси ва паррандачилик ҳўжаликларига амалий ёрдам кўрсатсин.

16. 2021 йил 1 ноябрга қадар муддатда:
насли она товуқ ва барча турдаги технологик асбоб-ускуналар сотиб олиш, парранда етиштиришни ташкил этиш, парранда маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш,

инкубация цехларини ташкил этиш, паррандачиликка ихтисослашган бино-иншоотларни қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асосий воситалар;

чет эл ташкилотлари ва унинг шўба корхоналари, фирма дўконлари,дилерлик тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан паррандачилик ҳўжаликлари эҳтиёжи учун четдан келтириладиган парранда озукка ва озукка қўшимчалари, ветеринария препаратлари, диagnostikumлар ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари) озод этилади.

17. "Паррандасаноат" уюшмасига:
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда паррандачилик ҳўжаликлари томонидан импорт қилинаётган озуккалар, озукка қўшимчалари ва асбоб-ускуналари ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда олиб кирилиши учун амалий ёрдам кўрсатиш;

2019 йил 1 февралга қадар муддатда ўз таъсис ҳужжатларини мазкур қарор талабларига мувофиқлаштириш, бунда асосий эътиборни барча паррандачилик ҳўжаликлари "Паррандасаноат" уюшмасига аъзо бўлиши учун мақбул шарт-шароитларни яратишга қаратиш тасвია этилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги "Паррандасаноат" уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда республикада соя ва кунгабоқар донларини қайта ишлаш бўйича замонавий корхоналарни ташкил этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари бир ой муддатда:

деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда парранда маҳсулотларини сотиш учун "Паррандасаноат" уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган намунавий савдо фирмага дўконларини ташкил этиш ва жойлаштириш бўйича манзилли дастурларни ишлаб чиқиб тасдиқласин;

паррандачилик соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини пухта ишлаб чиқиб, хорижий ҳамкорларни жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва "Ўзсанотқурилишбанк" АТБга тақдим этсин.

20. "Паррандасаноат" уюшмасининг мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий сайёҳлар, турли мамлакатларнинг паррандачилик соҳаси вазибалари, эксперт ва мутахассислари кенг жалб қилган ҳолда 2019 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида паррандачиликка оид кўргазма ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги "Паррандасаноат" уюшмасининг бюртмалари бўйича соҳани ривожлантириш ва замонавий техникаларни ўзлаштириш юзасидан таклиф этаётган хорижий мутахассислар ва кўргазмаларнинг хорижий иштирокчиларига кириш визалари консуллик йўғимлари ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин (ҳақиқий харажатларни қоплаш йўғимлари бундан мустасно).

22. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Паррандасаноат" уюшмасининг бюртмалари бўйича жалб қилинган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан кўп мартали кириш визалари расмийлаштирилиши, берилиши ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, вақтинча прописка қилиниши, турган жойи бўйича ҳисобга олиниши ва уларнинг узайтирилишини таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, бошқа вазирлик ва идоралар "Паррандасаноат" уюшмасига мазкур қарор ва бошқа қўғун ҳужжатлари билан юклатилган вазибаларни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

24. Куйидагиларга:
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмуродовга - ҳудудларнинг паррандачиликни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун салоҳиятли инвесторларни излаш, паррандачилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш учун;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалиги вазири Б.Т.Юсуповга - мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар ижроси устидан ҳўжалиқлар кесимида мониторинг тизими ўрнатилиши ва уларнинг ҳисоботи юритилиши, паррандачилик кластерларининг фаолияти ташкил этилиши ҳамда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши учун;

"Ўзэлтeхcаноат" АҚ раиси А.А.Абдуллаевга - парранда маҳсулотларининг барча турларини етиштириш, уларни барча босқичларда қайта ишлаш учун асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларнинг республикада ишлаб чиқарилишини ташкил этиш учун;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳўкимлигига - мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва паррандачилик ҳўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурлари ўз вақтида ишлаб чиқилиб, тасдиқланиши ва уларнинг ижроси устидан доимий назорат олиб борилиши, шунингдек, паррандачилик корхоналарига озукка етиштириш учун ер майдонини ажратилиши ва озукка учун экилган дон экинлари давлат бюртмасига олинмаслиги учун шахсий жавобгарлиги белгилансин.

25. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига "Паррандасаноат" уюшмаси билан биргаликда паррандачилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш тасвია этилсин.

26. Тошкент шаҳар ҳўкимлиги бир ой муддатда "Паррандасаноат" уюшмасини жойлаштириш ва бино қуриш учун ер майдонини ажратсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қўғун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўғимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2018 йил 13 ноябрь

ХАЛҚИМИЗ ТИББИЙ ХИЗМАТДАН РОЗИ БЎЛМАС ЭКАН, ТИНИМ БИЛМАЙМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган "Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашнинг бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳадаги яна бир ижобий янгилик бўлди. Унга мувофиқ, тиббиёт ходимларининг ойлик маоши 1 декабрдан 20 фоизга, 2019 йил 1 апрелдан яна 15 фоизга оширилди.

Шунча фармон ва қарорлар чиқарилди, соҳага шунча имкониятлар яратилди, долзарб масалалар ҳал қилиб берилди. Лекин соғлиқни сақлаш тизимида қўғилган натижадан кўринмаётгани, айниқса, туманлар, чекка қишлоқлардаги аҳоли тиббий хизматдаги жиддий ва туб ўзгаришларни ўз ҳаётида сезмаётгани барчани ўйлантирмакда. Жорий йилнинг ўтган даврида Президентнинг Виртуал қабулхонасига тиббиёт соҳасига доир 45 миңдан зиёд мурожаат келиб тушгани ҳам бу соҳада ҳали муаммолар етарлича эканидан далolat беради.

Хусусан, видеоселектор йўғилишида бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими, туман марказий шифоналарининг моддий-техник базаси ва малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси талабга жавоб бермаслиги оқибатида ҳудудлардаги беморлар катта маблағ сарфлаб, Тошкент шаҳрига келишга ёки чет давлатларга боришга мажбур бўлаларини очик-ойдин айтилди. Шу боис йўғилишда тиббиёт тизимидаги муаммоларни вақтида аниқлаш ва ҳал этиш, бунинг учун ҳудудлардаги ҳолатни тўлиқ қайта ўрганиб чиқиш, бунда қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалардан марказий тиббиёт муассасаларигача қамраб олиш кераклиги таъкидланди.

Маълумки, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш, соҳадаги муаммоларни бартараф этиш масалалари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўғунчилик палатаси масъул этиб белгиланган эди.

Шундан келиб чиқиб, парламент қўғи палатасида масалага комплекс ёндашиш, муаммоларни тизимли равишда ўрганиб бориб, ҳал этиш мақсадида Фуқароларнинг соғлиқини сақлаш масалалари қўғитаси ташкил этилди. Ўтган вақт мобайнида қўғита томонидан бир қатор ижобий ишлар қилинди. Бироқ бугунги шиддатли ислохотлар даврида муаммонинг қўғимдан келиб чиқиб фаолият юритиш талаб этилади.

Сабаби, ҳудудларни ривожлантиришнинг энг муҳим вазибаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўғиний манфаатларини таъминлаш юзасидан жойларда ўтказилган ўрганишлар яқунлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигининг пастлиги, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларни зарур дори воситалари билан доимий равишда таъминлаш лозимлигини, ушбу муассасаларнинг бугунги кун талабларига мувофиқ фаолият юритиши учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмасдан келинаётганини кўрсатмоқда. Албатта, бундай ҳолат соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштиришни, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйишни, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан қўғи тизимини жорий қилишни тақозо этади.

Бугун муҳожима этилган масаланинг долзарблиги шундаки, у инсон саломатлиги билан боғлиқ, - дейди Олий Мажлис Қўғунчилик палатаси депутати Гулшана Худобоева. - Шу нуқта назардан келиб чиқиб, парламент қўғи палатасидаги Фуқароларнинг соғлиқини сақлаш масалалари қўғитаси фаолиятини янада кучайтириш учун унинг таркибига ўзгаришлар киритиш керак, деб ўйлайман. Мақсад - давлатимиз раҳбари томонидан 9 ноябрь кўғи ўтказилган видеоселектор йўғилишида қўғилган вазибалар, хусусан, жойларда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар изчиллиги ва натижадорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунда ҳудудларда аҳолининг кўрсатилаётган тиббий хизматдан розилигини таъминлаш, бунинг учун кадрлар етишмовчилиги, муассасаларнинг моддий-техник базаси ҳамда ҳусусий тиббиётни ривожлантириш масалалари қўғита аъзолари, шу билан бирга, бошқа қўғита вакилларининг ҳам диққат маркази бўлади. Президентимиз айтганидек, токи халқимиз тиббий хизматдан, соғлиқни сақлаш тизимидан рози бўлмас экан, бу борада бир дақиқа ҳам тиним билмаслигимиз лозим.

Айни жўғатни ҳисобга олган ҳолда, мажлисда депутатлар Олий Мажлис Қўғунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиқини сақлаш масалалари қўғитаси фаолиятини янада кучайтириш лозимлигини қайд этдилар.

Қўғита аъзолари таркиби тажрибали, фаол, қатъиятли депутатлар билан қўғайти

ҚУРИЛИШ ВА ЧАКАНА САВДО ИШЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида 7133,3 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,7% ни ташкил этди.

Шунингдек, йирик ташкилотлар томонидан қурилиш ишлари ҳажми 1921,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,9% ни ташкил қилиб, ўтган ойдаги ўсиш суръатига нисбатан 1,5% пунктга кўпайди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 3826,5 млрд. сўм ёки 126,8% ни ҳамда норасмий сектор 1384,9 млрд. сўм ёки 88,8% ни ташкил этди.

Туманлар қисмида қурилиш ишларининг катта қисми Миробод туманида бажарилган бўлиб, шаҳарда бажарилган жами қурилиш ишларининг 18,0% ини ташкил этди, Мирзо Улугбек туманида бажарилган қурилиш ишлари эса 14,3% ни, Чилонзор туманида 13,6%, Юнусобод туманида 9,2% ва Яккасарой туманида 8,8% ни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишларининг асосий қисми, яъни 60,4% и қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, турар жой ва яшаш учун мўлжалланган бинолар қуриш ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган биноларни қуриш бўйича амалга оширилган қурилиш ишларидан ташкил топди. Фуқаролик объектлари қурилиши ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари ҳажми ҳам ўтган йилга нисбатан кўпайган ҳолда жамига нисбатан 39,6% ни ташкил қилди.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида 23752,5 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,1% ни ташкил этди.

Шунингдек, йирик корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 5684,4 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 114,7% ни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 18068,1 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,6% ни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 5640,8 млрд. сўм ёки 105,5% ни ҳамда норасмий сектор 8615,7 млрд. сўм ёки 105,2% ни ташкил этди.

Туманлар қисмида чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Чилонзор (17,0 фоиз), Учтепа (13,1 фоиз), Шайхонтоҳур тумани (12,2 фоиз), Бектемир (12,0 фоиз) ва Юнусобод (11,1 фоиз) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Овқатланиш ташкилотларини қўшган ҳолда, чакана савдо товар айланмаси аҳоли жон бошига 9,5 млн. сўмни ташкил этди. Уртача жон бошига товар айланмасининг энг юқори кўрсаткичлари Бектемир тумани (85,2 млн. сўм), Чилонзор тумани (16,7 млн. сўм), Яккасарой тумани (11,8 млн. сўм) кузатилди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

Тошкентдаги Турин политехника университети қошидаги академик лицейда Олмазор туман ҳокимлиги, туман Халқ қабулхонаси, туман прокуратураси, Адлия бўлими, Маъмурий суд ва Давлат хизматлари маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлашга бағишланган семинар йиғилиш ўтказилди.

Унда туман ҳокимлиги мутасадди ходимлари, бўлим ва бошқармалар, таълим муассасалари вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди. Мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаатларини қайд қилиш, кўриб чиқиш, вақтида жавоб бериш, уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича барча ҳуқуқий асослар яратилган ҳамда ўзига хос тизим шакллантирилган.

Шунингдек, мазкур қонун асосида мурожаатларнинг электрон шаклда амалга оширилиши ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган, замонавий ахборот технологиялари турмуш тарзимида жадаллик билан кириб келаётганини кўрсатади.

— Халқ қабулхоналари халқ билан доимий мулоқот қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида ҳолислик тамойиллари асосида кўриб чиқишида, мансабдор шахслар масъулиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда, — дейди Олмазор туман Халқ қабулхонаси мудири Олим Пахриддинов. — Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг кўриб чиқиши борасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг асосий мақсадларидан бири аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни

ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Халқ

манфаати, тақдири туради. Уларнинг тўлиқ ҳолисона, ўз вақтида кўриб чиқиши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини қафолатлайди.

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

давлат идораларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак". Барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатдан янги тизимга ўтиш талаби кўйилди. Бугунги кунда минглаб юртдошларимиз ҳал этилмаган масалалар, айрим муаммолар, ариза, шикоят ёки таклифлар билан тўғридан-тўғри давлат идоралари органларига ёзма, оғзаки ва электрон шаклда мурожаат қилмоқдалар. Халқ қабулхоналари мурожаатлар билан ишлашни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтармоқда. Зотан, ислохотларни баҳолаш мезони ҳисобланган мурожаатлар ортида инсон

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг асосий мақсади давлат органлари шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Бир сўз билан айтиш мумкинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, уларда кўтарилган масалаларнинг ҳал этилиши жамият ҳаётидаги муҳим соҳалар ва давлат фаолиятини изга солишда асосий функционал тизим бўлиб хизмат қилади. Тадбирда сўз олганлар шу ва бошқа маълумотларга батафсил тўхталиб ўтишди.

СОҲАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДАН ЧАРЧАМАЙМИЗ

Мамлакатимизда балиқчиликни янада ривожлантиришда илғор тажрибалар оммалаштирилаётгани, янги ташкил этилаётган ҳўжаликлар молиявий қўллаб-қувватланаётгани ўз самарасини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 6 ноябрдаги "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлади.

Мазкур ҳужжатга кўра, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг илм-фан соҳасини ривожлантириш, инновацион гоғлар, илмий ишланмалар, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида 2019 йилда уюшманинг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм йўналтириладиган бўлди. Айна пайтада институтининг олимлари интенсив технологиялар орқали балиқ етиштириш, сувнинг гидробиологик таркибини лаборатория усулида таҳлил қилиш, балиқ касалликларини аниқлаш каби кўп

лоийҳалар устида ишламоқда. Балиқчиликнинг наслчилик йўналишида илмий ишлар олиб бориш, балиқларнинг биологик хусусиятини ўрганиш, маҳаллий иқлим шароитида янги балиқ турларини ўстириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Институти балиқчилик ҳўжаликларини балиқ чавоқлари билан таъминлаш ишларини амалга оширувчи ҳўжалик ҳисобидан иш юритувчи илмий ташкилотдир. Ҳозирги кунда 46 илмий ходим меҳнат қилади. Жорий йилда олимларимиз балиқ ўстиришнинг интенсив технологиялари, яъни оқар сувларда қафас ичида ва ҳовуларда балиқ етиштиришнинг технологик параметрлари бўйича тадқиқотлар олиб борди. Бу излашлар натижасида фермерлар учун соҳага оид турли тавсияномалар чоп этилди.

Соҳада ёш мутахассисларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратялмиз. Жумладан, институти олимлари Тошкент дав-



САРҲИСОБ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятининг бир йиллигига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида йил давомида олиб борилган ишлар, ютуқ ва камчиликлар сарҳисоб этилиб, мақсадли вазифалар, режа ва келгусидаги бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳусусида сўз юритилди.

Дастлаб анжуман иштирокчилари шахримизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 324-мактабгача таълим муассасасига ташир буюрди. Узоқ йиллар фойдаланилмай турган мактабгача таълим муассасаси қайта ташкил этилди. Барча шарт-шароит ва қулайликларга эга бўлган мазкур муассасада болажонларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашувчи тўғрақлар, спорт зали, очиқ ҳавода жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишлари учун футбол майдончаси ҳам мавжуд.

Пресс-турдан сўнг журналистлар Мактабгача таълим вазирлигида ташкил этилган матбуот анжуманида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги Агриппина Шин давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мактабгача таълим тизимини тубдан ислох этиш, соғлом ва барқамол авлодни камол инсон қилиб камолга етказиш масаласига муҳим аҳамият қаратилаётганини таъкидлаш баробарида, жорий йилнинг 30 сентябрида қабул қилинган "Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори келажакдаги эрталари бўлиши болажонларнинг камолоти учун олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиши ва ушбу ҳўжат соҳадаги қатор муаммоларни бартараф этишга муҳим асос бўлаётганини қайд этиб ўтди.

Анжуманда мазкур қарорда белгиланган вазифалар доирасида қилинаётган ишлар, келгусидаги режалар ҳақида журналистларга тўлиқ маълумот берилди.

Қарорга мувофиқ 2019 йил 1 январдан бошлаб мактабгача таълим муассасасига қатнайдиган болалар учун жисмоний шахсининг идентификация рақамини бериш хизмати жорий қилинади. Боланинг ривожланиши, таълим олиши ва саломатлиги тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш ва бу ҳақда ота-оналарини хабардор қилиш имкониятлари яратилади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, мактабгача таълим тизимидаги муассасаларнинг кўпи собиқ советлар даврида қурилган ва тубдан таъмирланмаган. Мазкур соҳа

вакилларининг ойлик маошларининг узоқ йиллар давомида кўтарилмагани эса иш унумдорлигига салбий таъсир кўрсатган.

Эндиликда қарорга биноан, мактабгача таълим муассасаларида кўрсатилмаган пуллик хизматларининг 90 фоизини муассаса моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида дам олиш кунлари ва иш якунлангандан сўнг болаларни парваришлаш ва уларга қараб туриш, белгиланган дастурдан ташқари тўғрақ машғулотларини ташкил этиш каби қатор қўшимча пуллик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқи бор.

Дарҳақиқат, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид қабул қилинган кўп қабил ҳўжатлар мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларда болажонларни қамраб олишни янада кенгайтириш, ўқув-тарбиявий жараёнининг сифатини ошириш, нодавлат мактабгача таълим масканлари тармоғини кўпайтириш, кадрларни кўлаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган бир йил давомида болаларнинг таълим муассасаларига қамраб олиниши 27,7 фоиздан 35,4 фоизга етди. Бугунги кунда 890 мингдан ортиқ болажонлар МТМга қатнамоқда.

Анжуманда шу билан бирга янги мактабгача таълим муассасаларининг бунёд этилиши, уларни ичимлик суви, газ ҳамда иссиқлик энергияси билан таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Энг асосийси, бу истиқболли ишлар келажакда порлок истиқболли ёрқин болажонларнинг нури эртаси учун мустаҳкам замин яратиш билан бирга, соғлигини янада муҳофазалаш, онгу тадаққуришни тарафлантириш, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш ва бекаму қўст тарбия олишда муҳим аҳамият касб этади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар**

— Маълумки Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага қилинаётган мурожаатлар ортида инсон омилли ётади, — дейди тумандаги "Жийдали" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ойниса Бобонова. — Ҳаёт олдимизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида ечиш ҳақида муттасил қайғуриш, бу йўлда фидойий бўлиб, ҳаловатдан воз кечиш, одамлар дарди билан яшашни даврининг ўзи ҳар биримиздан талаб этмоқда. Бунда одамлар билан доимий мулоқот қилиш, кундалик ташвишлар битилган мурожаат ва шикоятларни кечиктирмай кўриб чиқиш, бу борада турли расмийчилик, бюрократия ҳамда сансалорлик ҳолатларига барҳам бериш жуда муҳим.

Тадбирда Олмазор туман Халқ қабулхонаси мудири Олим Пахриддиновнинг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун ижросини таъминлаш, фуқароларнинг Халқ қабулхоналарига мурожаатлари ҳақида, туман Адлия бўлими катта маслаҳатчиси Хуршида Ибрагимованинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан берилмаган тасдиқловчи ҳўжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти тўғрисида ва бошқа мутасаддиларнинг маърузалари тингланди.

Мутасадди ташкилот вакиллари йиғилганлари кўзичтирган саволларга жавоблар қайтарди ва тегишли тавсиялар берди.

Зиёда РАСУЛОВА

лат аграр университетининг балиқчилик кафедрасида талабаларга дарс бериш жараёнига жалб этилган. Халқро ҳамкорлик йўналишида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг Харбин шаҳридаги Хэйлуңцзян дарёси балиқчилиги илмий-тадқиқот институти билан тузилган ўзаро ҳамкорлик меморандумига асосан бир гуруҳ хитойлик олимлар юртимизда бўлди. Хизмат сафари давомида соҳа мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро ҳамда Сирдарё вилоятларидаги балиқчилик фермер ҳўжаликлари фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, улар маҳаллий фермерларимизга қарп балиқларидан сунъий уруғлик олиш ва инкубация ўтказишнинг хитойча усулини ўргатишди. Хитойлик олимлар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобиغا киритилган "Туркистон мўйловдори" балигини сунъий урчиштиш ва кўпайтириш истиқболларини ўрганди. Биз улар билан келгусида ушбу балиқ турини кўпайтириш ишлари бўйича ҳамкорликда илмий-амалий ишларни биргаликда олиб боришга келишиб олдик.

Соҳани янада ривожлантириш, зарур илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг кўламада жорий қилишдан чарчамаймиз. Зеро, мамлакатимизда интенсив усулда балиқ етиштиришни босқичма-босқич йўлга қўйиш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва балиқчилик тармоғини янада кўлаб-қувватлаш каби саъй-ҳаракатлар аҳоли турмуш фаровонлиги янада ошишига хизмат қилади.

**Абдулла ҚУРБОНОВ,
Балиқчилик илмий-тадқиқот институти директори**

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Менинг байроғим — менинг гурурим" танловига **БАЙРОГИМ — ГУРУРИМ, ФАХРИМ, ЭЪЗОЗИМ**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддаси

Кўксимдаги фахрим-байроғим, Ватанимнинг номуси, ори, Сени ўйиб, тиз чўқар чоғим, Юрагимда юрт ифтихори.

Узоқ вақт давомида хоризда бўлган бир танишим билан гаплашиб қолдим. Сафар саргузаштлари ҳақида сўраганимда, бир воқеани айтиб берди. "Биласанми, бир нарсасига яна бир бор амин бўлдим. Дунёнинг ҳеч қайси мамлақати барбир ўз юртингчаки бўла олмас экан. Китоблардан ўқиганларимни ўз бошимдан кечирдим. Мени ҳар дақиқа Ватан соғинчи қийнар эди. Атрофдагилардан ҳеч қайсисининг менинг она тилимда гаплашмасликлари, халқимга хос бўлган самимийлик кўрсатмасликлари бу соғинчдан янада ошириб юборар эди. Иттифоқо Нью-Йоркдаги БМТ Бош қароргоҳи биноси ёнидан ўтиб қолдим. У ерда бир манзара мени бехосдан турган жойимда қотиб қолишимга сабаб бўлди. Биласанми қанақа воқеа? Бинонинг олдидаги байроқлар орасида Ватанимнинг байроғи ҳам мағрур ҳўлирлар турар эди. Сен ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан. Ҳозир сенга жуда оддий гапиряётгандай, жўн тасвирида бераётгандай тўлаялман. Аммо ўша лаҳзаларда, этимнинг жимирлаши, кўзимга келаётган ёшни тўхтатиш, бошқалардан бекитишни ҳаёлимга ҳам келтирмадим. Бориб байроғимизни ўйиб олгим келди".

Миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий гуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, қучли тарбия воситасидир. Ҳақиқатдан ҳам, ҳаётимизда рамз ва тимсолларнинг ўрни катта. Бунга тарих шоҳид. Ватан рамзлари шу қадар улуғ ва муқаддас саналганки унинг учун одамлар жонларини фидо қилганлар. Зеро, миллий рамзалар ор-номус, шон-шароф саналган.

Ўзбекистонимиз истиқлолга эришган, энг аввало, Давлатимиз рамзлари тасдиқланди. 1991 йил 18 ноябрь халқимиз ёдида ўчмас ва қўтлуг сана бўлиб қолди. Шу куну "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида ҳур дўриримизни гўзал байроғи жаҳон узра мағрур ҳўлирлар турибди. Шу кўнларда байроғимиз қабул қилинганлигининг 27 йиллигини қарши оламиз.

Давлатимиз байроғидаги янги ой, юлдузлар, мовий, оқ, яшил ранглар, қизил ҳўшия чизиклар халқимиз гурури ва келажакка бўлган ишончининг ёрқин ифодасидир.

Тарихдан ҳам маълумки, байроқлар маълум бир давлатнинг мавжудлиги унинг бошқа давлатлар билан тенг ҳўқуқли эканлигидан далолат беради. Агар байроққа бунчалик катта рамз жойлаштирилмаганида, Наҳмиддин Қурбо уни бутун вўжуди билан ҳимояламаган, ҳатто ўзалигидан кейин ҳам уни душман қўлига тушиб қолишини истаман бўлар эди. Шаҳид бўлган Наҳмиддин Қурбо қўлидаги турни ҳар қанча уринишомини мўғул аскарлари юлиб олиша олмаган эди. Агар унда бунчалик рамз бўлмаганида, Соҳибқирон Амир Темури байроқни қўриқлайдиган алоҳида бўлимага тузмаган бўлар эди. Дарҳақиқат, асрлар давомида, ҳар қандай даврда байроққа юксак эътибор берилади. Байроқ давлат юзи, қиёфаси сифатида ўта муҳим роль ўйнайди. Бугун халқро мусобақаларда чемпион бўлаётган юртдошларимиз байроғимизни елкасига ташлаб майдон узра юғураётганда, давлатлараро муносабатларда тенглик рамзи сифатида байроғимиз хоризий ўлкаларга ўрна-тилаётганда беихтиёр орзу қиламан — доимо ҳилпирашдан тўхтама, байроғим.

Байроғимиз жоноҳон ўлкамиз дунёда халқро ҳам-жамиятнинг тенглари ичра тенг аъзоси эканлигини англатади ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни муҳимлаштиради. У бизнинг ҳеч қимдан кам эмаслигимиз ва асло кам бўлмаглигимизни яққол намоян этади. Демакки, байроғимиз бизнинг гурури, ифтихоримиздир. Уни эъзозлаш эса фуқароларда ўзининг қадр-қиммати, ўз мамлақатига ва шахсига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Байроғимизнинг баландлиги юртимизнинг обрў-нуфузи юксалигидан далолатдир. Шундай экан, сарбаланд қаддимиз ва қадримиз тимсолини ҳаммиса эъзоз-лайлик ва бошимиз узра баланд кўтарайлик!

Маъмур БАЁНОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонасига икки дон аракал пасталари билан акрил белгиларини беш кун муддатда манзилга етказиб бериш ва ўрнатиш тўғрисида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 9-уй.
Тел: 71 233-72-84 Факс: 71 233-72-84.
E-mail: kanc@kadastr.uz
Қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9:00 дан 18:00 га қадар юкорида кўрсатилган манзил ва телефон рақамлари орқали олиш мумкин.
Тижорат таклифлари эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 10 кун ичида қабул қилинади.

"Сергели тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Сергели тумани, Сергели-5, 58-уй, 1-хонадон учун Хасанова Ла-тофат Бафоевна номига берилган кадастр ҳўжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Футбол шундай ўйинки, уни дунёнинг ҳар бир бурчагида билишади, севиб ўйнашади ва мухлислик қилишади. Футбол ҳақида кичик бўлсада тасаввурга эга бўлмаган инсон бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам уни миллионлар ўйини деб аташади. Футбол бўйича ҳар тўрт йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионати аудитория жihatдан энг нуфузли спорт мусобақаси бўлган олимпиада ўйинларидан ҳам олдинда туриши унинг қанчалик оммалашганидан далолат беради.

Бошқа спорт турларида асосан спортчилар машҳур бўлади, танилади. Аксарият ҳолларда мураббийлар, ҳакамлар унчалик эътиборга тушмайди, яъни танилиб, машҳур бўлганлари жуда кам. Футболда эса нафақат футболчилар, балки мураббийлар ва ҳатто ҳакамлар ҳам машҳурлик чўққисига кўтариладилар. Улар билан бирга тўғилиб ўсган ватанининг номи ҳам бутун дунёда тилга олинади.

Виктор Кашшай (Венгрия), Жунейт Чақир (Туркия), Юичи Нишимура (Япония), Наваф Шукрала (Баҳрайн) бу инсонларни бутун дунёда яхши танишади. Венгрия ёки Баҳрайн миллий чемпионатидаги клублар ёхуд миллий терма жамоалари дунёда эътироф этиладиган даражада юқори натижаларга эришмаган. Аммо ўша мамлакатлардан чиққан футбол ҳакамларини бугун бутун дунё тан олмоқда.

Худди шундай, бизнинг ватанимиздан ҳам футбол оламида бир инсон порлаб чиқдики, уни бутун дунё тан олди. Бу ўша 2010 йилги жаҳон чемпионатининг очилиш маросимида Ўзбекистон номини стадион узра баралла айтилишига сабабчи бўлган Равшан Эрматовдир. Биз бугун фахрланиб, гурурланиб, ютуқларини айтишдан чарчамайдиган бу инсон аслида фаолиятини футболчиликдан бошлаган эди.

Равшан Эрматов 1977 йилнинг 9 августда Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Сайфиддин Эрматов футбол мураббийси бўлиб, кўпинча республика биринчиликларида ва собиқ иттифоқ чемпионатининг иккинчи лигаси ўйинларида ҳакамлик ҳам қиларди. Бундан аён бўладигани Р.Эрматов футбол ичиде улғая бошлаган. Ярим ҳимоячи бўлган бўлажак ҳакам, биринчи лигада "Газалкент", "Истиклол", "Шайхонтохур" жамоаларида тўп сурган. "Пахтакор"

ҳамда Миллий терма жамоа сафида ўйнашни орзу қилган қаҳрамонимизнинг ҳаёти бир тасодиф туфайли бутунлай ўзгариб кетган. Кетма-кет олинган икки жароҳатдан сўнг шифокорлар унга бошқа футбол ўйнамасликни айтишади. Футболга меҳр қўйган Р.Эрматов маълум вақт отасига ёрдамлашиб юради. Кунларнинг бирида шаҳар биринчилиги учун ёшлар ўртасидаги мусобақада тасодифан

2007 йилнинг февраль ойида Р.Эрматовнинг ҳаётида орзусидаги энг катта воқеа содир бўлади. 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионати финал ўйинларини бошқаришга номзод бўлган 54 ҳакамдан иборат рўйхатга киритилади. 2008 ва 2009 йилларда Осиёнинг энг яхши ҳаками деб топилган Равшан Эрматов 2010 йилги жаҳон чемпионатини бошқарадиган ҳакамлар рўйхатидан жой олади.

2010 йилги ЖЧнинг очилиш ўйинини ишончли бошқарган ўзбек ўғлонига яна тўртта учрашув ишониб топширилди. 2014 йилда Бразилияда бўлиб ўтган мундиалда 4 та ва жорий йилда Россияда ўтказилган чемпионатда иккита ўйинни бошқарган ватандошимиз футбол бўйича жаҳон чемпионатларида энг кўп ўйин ўтказган реферига айланди. Бундан ташқари, Осиё кубоги, Конфедерациялар кубоги, Клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати, Осиё чемпионатлар лигаси, ОФК кубоги каби кўплаб катта футбол мусобақаларида ҳакамлик қилган ва ҳозирда ҳам фаолиятини давом эттирмоқда.

Тўққиз бор Ўзбекистонда, 5 қара Осиёда йилнинг энг яхши ҳаками бўлган Равшан Эрматов "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони, "Эл-юрт хурмати" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирланган. 2015 йилда Globe Soccer Awards танлови бўйича "Йилнинг энг яхши ҳаками" деб топилди.

— Ҳаётда фақат олдинга қараб интилишни ўргандим, — дейди Р.Эрматов. — Менда ўзим ёқтирган машғулотдан воз кечиш, бошқа ишни бошлашдек мураккаб "жараён" бўлган. Аксарият ҳолларда бундай вазиятда одамлар муваффақиятсизликка учрайди. Фақат олға интилиш ва тинимсиз меҳнат эвазига мана шундай натижаларга эришимиз. Ортимизда иқтидорли ёшлар жуда кўп. Спортга қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланиб улар албатта катта ютуқларга эришиши мумкин. Бунинг учун улар ўз устиде тинмасдан ишлаши, юқори чўққиларни мақсад қилиши керак.

Абдуалим САЛИМОВ

ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ ВА ИНТИЛИШ – ЮКСАК НАТИЖАЛАР ОМИЛИ

ўйинга белгиланган ҳакам келмай қолади. Ўйинни бошқариш Равшан Эрматовга топширилади. 90 дақиқалик ўйинни рисоладагидек бошқарган Р.Эрматовнинг ҳакамлик фаолияти ана шу учрашувдан бошланган эди.

2001 йилда олий лигадаги дастлабки ўйинини ўтказган Р.Эрматов меҳнатсеварлиги ва интилувчанлиги туфайли тез орада кўп нарсани ўрганди. Чет тилини яхши билганлиги унинг имкониятларини янада оширди. Иқтидорли ҳакамни ОФК кубоги баҳсларини бошқаришга тақдир этишди. 25 ёшга тўлган эса ФИФА рефериси унвонини олди.

Шундан сўнг Осиё чемпионатлар лигаси, ОФК кубоги, Осиё чемпионати ва жаҳон биринчилиги саралаш учрашувларини бош ҳакам сифатида бошқарди. Маҳоратини йилдан йилга ошириб борди. Ўсмирлар ўртасидаги, ёшлар ўртасидаги ва йигирма ёшлилар қатнашувчи жаҳон чемпионатларида реферилик қилди.

Кун кеча "Ўздавэргоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлимида "Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра сўхбати бўлиб ўтди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Йиғилишда коррупцияга қарши кураш юзасидан республика бўйича олиб борилган чора-тадбирлар, миллий ва халқаро қонунчилик, жамият тараққиётига пугур etkazувчи иллат билан курашишнинг ҳуқуқий асослар тўғрисида тўхталиб ўтилди. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бугунги кунда ушбу йўналишда амалга оширилаётган чораларни янада кучайтиришда дастурулама

бўлмоқда.

Йиғилишда бу борада миллий ва ривожланган демократик давлатлар тажрибасига ургу берилиб, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланишини ҳар томонлама ўрганиш, уларни янада такомиллаштириш юзасидан тушунчалар берилди.

А.ТИРКАЧЁВ,
"Ўздавэргоназорат" инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими
инспектори

"ТОШКЕНТ ОКШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

АВТОМАШИНА ЎФРИСИ...

Ўша кун 8 март – хотин-қизлар байрами эди. Музаффар хусусий клиникада ишлади. Бугун эртароқ ишларини битириб, гул олиб уйга қайтишни хаёл қилди. Эрта тондан ишхонасига ўзининг "Спарк" автомашинасида келди. Машинасини автотураргоҳга жойлаштирди. Эшикларини қулфладим деб ўйлаб ишхонасига кириб кетди. Тушликкача берилиб ишлади. Соат 14:00 ларга яқин ташқарига чиқди. Не кўз билан кўрсинки, машинаси жойида йўқ...

Машина олиб қочилган. Ким қилган бу ишни? Зудлик билан тегишли органга хабар берди. Орадан маълум вақт ўтгач, ички ишлардан унга машинаси топилганлиги ҳақида айтишди. Кимдир машинасини Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ даҳасидаги кўп қаватли уйлар олдида қолдириб кетибди. Бориб, қўшимча калит билан автомашинаси эшикларини очди. Машина ичидаги 300 минг сўм пул, ҳайдовчилик гувоҳномаси, техник паспорти, суғурта полиси, хуллас машинага тегишли ҳужжатлар йўқ эди.

Олиб борилган тезкор тадбир натижасида автомашина ўғриси топилди. Уни 1997 йили Фаргона вилоятида туғилган Собиров Исломжон Илхомжон ўғли содир этганлиги аниқланди. Исломжоннинг суд мажлисида тушунтириш беришича, ўша кун соат 11.30 ларда хусусий клиника ёнидан ўтаётган вақтда "Спарк" русумли автомашинанинг эшиклари очик, калит ўз жойида

турганлигини кўриб қолади. Жуда яхши бўлди, деб ўйлаб машинага бемалол ўтириб, ўт олдириб, Чорсу томонга ҳайдаб кетади...

Музаффар кўрдики, машина бусбутун, ҳеч жойига шикаст етмаган. Аммо пул ва ҳужжатлар йўқолган.

Суд мазкур ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, тарафларнинг фикрини инобатга олиб, қонун асосида ҳукм ўқиди. И.Собиров Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддаси, 2-қисмининг "а" банди билан айбланиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шу тариқа автомашина ўғриси жазосини олди. Мақола сўнггида айтар сўзимиз: автомашинангизни очик ҳолда қолдирманг, мулкнингизни авайланг, ўзингизни эҳтиёт қилинг...

Б.УМИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмасор тумани суди судьяси

Футбол

"ПОЙТАХТ ДЕРБИ"СИДА ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVII миллий чемпионати иккинчи босқичи 29-тур доирасида азалий рақиблар "Бунёдор" — "Локомотив" ўзаро беллашди.

Ҳар сафар "Тошкент дерби"си номини олган бахслар шиддатли курашларга бой, қизқарли кечади. "Бунёдор" — "Локомотив" учрашуви ҳам мухлисларни зериктириб қўймади. Тезкор, ҳужумкор кечган ўйинда 2:2 ҳисоби қайд этилди. "Бунёдор"дан — А.Ҳайдаров, С.Собирхўжаев, "Локомотив"дан — М.Бикмаев, О.Зотеев голларга муаллифлик қилишди.

Шунингдек, ҳали чемпионликдан умид узмаган "Пахтакор" сафарда "Бухоро" меҳмони бўлди. Ассан, тошкентликларнинг тўлиқ устунлигига кечган баҳсда дарвозаларга саккизта гол киритилди. Уйин пахтакорчиларнинг 6:2 ҳисобидаги галабаси билан якунланди. Стадионга келган мухлислар "Бухоро"дан — А.Тўраев, С.Шихов, "Пахтакор"дан — Черак, И.Гонсалвеш (2 та), Т.Безерра, Ф.Сайфидин, Ж.Искандаров томонидан дарвозаларга киритилган голларга гувоҳ бўлишди.

Қолган бахслар қуйидагича якунланди: "Насаф" — "Нефтчи" — 2:0, "Қўқон-1912" — "Қизилқум" — 2:1, "Металлург" — "Навбахор" — 1:0, "Сўғдиёна" — АТМК — 1:0.

Суперлиганинг юқори олтичилигида "Локомотив", "Пахтакор", "Бунёдор" 1,2,3-ўринларни эгаллаб туришибди, қуйи олтилик жамоалари орасида "Насаф" еттинчи ўринда бормоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этилади!

Очик аукцион савдосига "Энерго Агро Тараққиёт" МЧЖнинг 08.11.2018 йилдаги №58-сонли бюортнома сисига асосан "Энерго Агро Тараққиёт" МЧЖни қуйидаги устав капиталидеги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Нуробод шаҳарчаси манзилидаги 3,85 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 18 137,51 кв.м., бошланғич нархи — 3 471 039 353 сўм бўлган иссиқхона бино ва ишоотлари. 2. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Нуробод шаҳарчаси манзилидаги 1,20 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 617,84 кв.м., бошланғич нархи — 573 583 656 сўм бўлган суг-товар фермаси бино ва ишоотлари. 3. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Қорабаш-қий манзилидаги 0,4908 Га ер майдонида жойлашган умумий ички қурилиш майдони 761,79 кв.м., бошланғич нархи — 267 775 241 сўм бўлган қўй-кўра бино ва ишоотлари. 4. Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Нуробод шаҳарчаси манзилидаги 4 Га ер майдонида жойлашган 580 дона голден навли, 380 дона семеранка навли, 580 дона беш юлдуз навли мевали дарахлардан иборат бог. Бошланғич нархи — 488 277 915 сўм.

Аукцион савдолари 2018 йил 17 декабрь кун соат 15.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2018 йил 17 декабрь кун соат 15.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан бюортмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчаси билан тузиладиган закатат келишувиға асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 % дан кам бўлмаган миқдориде закатат пулини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил катнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси белгиланган санадан бир иш кун олдин тўхтатилади. Савдо голбилиг аукцион савдоси натижалари бўйича голбилиг баённомаси имзолангандан сўнг сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзолаш мажбурияти юклатилади.

Закатат пулини тўлаш учун рекувизитлар: "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ. АТ "Xalqbank" Юнусобод филиали. Ҳ/р: 2020800090075166001. МФО 00823. СТИР 304 802 952. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй.

Телефон: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz
Лицензия RR — 0298

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 15 ноябрь кун хаво ўзгариб туради, ёлғизчилик бўлмади. Кечаси ва эрталаб туман тушуши мумкин. Шарқдан секундога 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 15 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-хаво шароити шаҳар хаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратмади, ифосланши даражаси наст бўлади.